

## БУГУНГИ КУНДА ПЕДАГОГИКАДА ХАЛҚ МЕҲНАТИНИНГ ШАКЛИ УСУЛИ ВА МАЗМУНИ

*Abdurashidova Nilufar Abdurashidovna*

*Тошкент давлат транспорт университети*

Ўзбек халқи ўз ҳаёти давомида турмушда ишлаб чиқариш воситаларини яратиш зарурлигини, турмушда ўз эҳтиёжларини қондириш учун меҳнат қилиш кераклигини тушуниб етди. Бу қадимги жамиятга хос хусусият эди. Давр ўтиши билан, жамиятдаги ўзгаришлар туфайли ақлий меҳнат тарбияси жисмоний меҳнат тарбиясидан ажралди. Меҳнатга мунособат ўзгарди. Жисмоний меҳнатга тайёрлаш биринчи ўринга қўйилди. Меҳнат қилиш ва меҳнатни севиш инсон камолотининг мезони бўлди, меҳнат саломатлик воситаси ҳисоблана бошлади. Бу меҳнат тарбиясининг биринчи шакли. Меҳнатнинг иккинчи шакли - бу ақлий меҳнатдир.

Ақлий меҳнат тафаккур, мушоҳада, дунёни билиш, билимларни эгаллаш, улар асосида ўз дунёқарашини ва эътиқодларини шакллантириб боришдир.

Ўтмишда меҳнат тарбиясида турли усул ва воситаларни қўллаш орқали болалар меҳнатга руҳан ва амалий жиҳатдан тайёрланган. Болаларни амалий машғулотга тайёрлашда ишонтириш, қизиқтириш ва бола фаолиятини баҳолаш усуллари қўлланган. Халқ бу ишларни амалга оширишда восита сифатида ўйин ва маросимлардан, халқ оғзаки ижодининг меҳнат мавзуидаги асарларидан, бадиий сўз воситаларидан фойдаланган.

Болаларни меҳнат қилиш зарурлигига ишонтиришда, уларни меҳнатга руҳан тайёрлашда аجدодларимиз мақол, эртак, топишмоқлар билан бирга даъват қилиш, ундаш, насиҳат қилиш, маслаҳат бериш, амалда кўрсатиш усулларини ҳам қўллашган.

Бу усуллар билан болаларда меҳнатнинг аҳамияти, унинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида тушунча ҳосил қилганлар.

Ўтмишда боболаримиз болаларни яхши ва намунали ишлари учун рағбатлантирганлар. Бу ҳам меҳнат тарбиясининг энг самарали усулларидан бири ҳисобланади. Бунда “Барака топ”, “Жуда соз”, “Умрингдан барака топ” ёки “Умринг зиёда бўлсин” каби сўзлари билан боланинг кўнгли кўтарилган, кулиб-эркалаб боши силанган.

Меҳнат тарбиясида жазолаш усули ҳам бўлиб, бу меҳнат қилишни истамаган, топшириқни бажармаган, алдамчи, ишққмас болаларга нисбатан қўлланган. Бундай вазиятда ваъдани бекор қилиш, мажбур қилиш усулларидан ҳам фойдаланилган.

Болаларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда болалар ўйинларининг аҳамияти катта. Болалар ўйин жараёнида ўйин воситасида тарбияланган.

72 Қуръони карим: / А.Мансур таҳрири остида. – Тошкент.: «ТИУ» нашриёти, 2001. – 604 б.

73 <http://fargonaziyo.uz/aqiyda-bilmagan-shaytonga-eldur/>

Н.К.Крупская ўзбек болалари ўйинларининг ўзига хос хусусиятларини ижобий баҳолаб: “Ўзбек болалари табиат билан яқин мунособатда яшайдилар. Улар жуда кўп қизиқарли ўйинларга эга. Улар рус болаларига қараганда тез чопадилар”, - деган эди. Дарҳақиқат, “Бекинмачок”, “Чиллак”, “Оқ теракми, кўк терак”, “Кўз боғлагич”, “Дор” каби ўйинлар болалар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Болаларни меҳнатсеварлик, ишчанлик руҳида тарбиялашда халқ эртакларининг ҳам роли беқиёсдир. Масалан, меҳнатсеварлик ўзбек халқ эртакларидан “Зумрад ва Қиммат” да ўз ифодасини топган.

Зумрад ўзбек халқ педагогикасида улуғланадиган энг яхши фазилатларни ўзида мужассамлаштирган латофатли, меҳнатсевар, одобли қиз.

Қиммат эса, аксинча, ялқовликни, ҳасадгўйликни, бахил-ликни, тантиқликни, катталарга ҳурматсизликни юқтириб олган. Албатта, бунда онасининг нотўғри тарбияси ўз салбий таъсирини кўрсатган.

Яхши фазилатларнинг шарофати, ёмон феъл-атворнинг касофати эртақда жуда таъсирчан тарзда ифодаланган. Шунинг учун ҳам ўбек оилаларида “Зумрад ва Қиммат” эртаги қайта-қайта ўқилади, айтилади.

Ўзбек оилаларидаги болалар ёшлигидан меҳнат муҳитида бўлганлиги сабабли, улар қўлларидан келадиган ишларга жуда барвақт жалб қилинадилар ва ота-оналари сингари виждонан меҳнат қила оладилар.

Қизларга сифатли бичиш ва тикиш, тўқиш, гиламдўзлик, каштачилик, зардўзлик, дўппи тикиш ўргатилган. Ўғил болалар эса кундалик ҳаётга керакли оддий буюмларни, шунингдек, меҳнат қуролиларини ясашга жалб қилинган.

Болаларни миллий меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашда маҳалла ўзига хос марказ сифатида бой ва хилма-хил имкониятларга эга.

Маҳалла жамоасининг барқарор маънавий-ахлоқий муҳити болаларнинг бўш вақтини тез ва мақсадга мувофиқ ташкил қилиш, уларни ҳамкорликдаги меҳнат фаолияти бўйича барқарор маънавий-ахлоқий анъаналар ва маиший тамойилларга эга бўлган оилаларнинг муайян ҳудудида узоқ вақтлар жам бўлиб яшаши туфайли вужудга келган урф-одатлар ҳамда удумларга риоя қилган ҳолда турли меҳнат фаолияти соҳаларига жалб этиш имконини беради.

Меҳнатнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида қадимги муқаддас китобимиз – “Авесто”да ҳам жуда қимматли фикрлар келтирилган. Масалан, “Яхшилик ва эзгулик яратиш учун киши меҳнат қилиши, ўз қўллари билан ноз-неъмат яратиши лозим”, - дейилади унда.

Ёки “Болалар жуда ёш пайтиданоқ дарахт кўчати ўтказиш, уй-рузғор қуроллари яшаш, ерга ишлов бериш ва чорва билан шуғулланишга ўргатилиши шарт”, - дейилади. Ёки яна “Авесто”да “Меҳнат қилмайдиган инсон, сен ҳақиқатан ҳам, тиланчилар қаторида ёт эшикларга таъзим қилиб, абадул-абад бош эгиб туражаксан. Ҳақиқатан ҳам, сенинг ёнигдан турли хил зироатларни олиб ўтадилар, бу ноз-неъматларнинг барчаси меҳнат қилаётган, тўқ ва фаравон яшаётган хонадонга насиб қилади. Абадул-абад шундай бўлажак!”, - дейилади.

Бу ҳақда Шарқ мутафаккирларининг фикрлари ниҳоятда ибратлидир. Масалан, халқимиз азал-азалдан у шоҳми-гадоми болаларини ёшликдан меҳнатга ўргатган.

А.Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод фақат илм олиб қолмай, устозларидан меъморчилик, наққошлик ва тош йўнишни, ўрганади. Ширинни излаб Арманистонга борганда халқнинг қийналиб, тоғ қазиётганини кўриб, уларга ёрдамга шошилади.

Шоҳ ўғли Фарҳод тоғ қазишга киришади. Шоир унинг меҳнатдаги маҳорати, шижоатини шундай тасвирлайди.

Анинг тешасининг олдида ҳар тоғ, Андоқким, пичоқ олдида сариеғ.

Фарҳод ўз ҳунари билан халққа нафи текканлиги, унинг «оғирини енгил қилгани» дан мамнун бўлиб, шундай дейди:

Ҳунарни асрабон нетгумдир охир, Олиб тупроққа му кетгумдир охир.

Ўзбекларнинг тарих синовидан ўтган, асрлар давомида шаклланиб келган гўзал меҳнат анъаналаридан бири - бу ҳашардир.

Ҳашар - маънавий кадрларимиздан бири бўлиб, унда халқнинг миллий руҳияти, феъл-атвори намоён бўлади. Яқин ўтмишда ҳам маҳалла ва қишлоқларда ўтказиладиган халқнинг меҳнат анъанаси - ҳашарлар ҳомийликнинг ихтиёрий уюшмаси, моддий ва маънавий ҳомийликнинг тарихан ташкил топган миллий кўринишидир. Унда моддий ўзаро ёрдам, маънавий мадад, халқнинг қудратли кучи мужассамдир ва у жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини эътироф этмоғимиз лозим.

Лекин шундай гўзал меҳнат анъанамиз аста-секинлик билан ўзимиз сезмаган ҳолда барҳам топиб бормоқда. Биз ана шу ноёб анъанамизни қайта тиклашимиз, унинг куйидаги ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этаётган тарбиявий хусусиятларидан унумли фойдаланишимиз керак:

1. Энг қийин вазиятларда ҳам ўзбек халқи ўз яқинларининг гадоёлик қилиб юришларига йўл қўймаган. Бундан номус қилишган. Чунки бундайларнинг исноди уларнинг қариндош-уруғига, маҳалла ёки қишлоғига теккан. Шунинг учун маҳалла, қишлоқ, қариндошлар ўртасида дарров “тез ёрдам” - ҳашар уюштирилган. Ҳомийлар ҳам ўз-ўзидан топилган, изланмаган. Ўша одамга ҳам ўзига яраша юмуш топиб беришган, ҳам моддий ёрдам уюштирилган.

2. Ўзбеклар ўз яқинларининг маҳалладош ёки қишлоқдош-ларининг иш излаб бегона юртларга кетишларига ҳам йўл қўйишмаган. Ҳеч қандай моддий қийинчилик уларни Ватанни тарк этишга мажбур қилаолмаган. Ватан тушунчаси, ватандошлик масъулияти муқаддас ҳисобланган. Бундай пайтда яна ўз ҳамқишлоқлари, маҳалладошлари, қариндошлари учун ўзаро ёрдам - ҳашар уюштирилган.

3. Ўзбекнинг кўчаси, ариқ ва ҳовуз бўйларини ахлат босиб ётмаган. Ҳар бир маҳалла, қишлоқ, энг аввало тозалikka, покликка эътибор берган. Баҳор келиши билан ариқ қазиш, кўчат экиш каби оммавий ҳашарлар авж олиб кетган. Ҳеч қандай расмиятчилик бўлмаган. Ҳомий халқнинг ўзи бўлган.

4. Маҳалла ёки қишлоқда том суваш, иморат қуриш, экинларни экиш ёки йиғиш мақсадида ҳам навбатма навбат ҳашарлар уюштирилган. Ёки ҳашарда қатнашишга имконияти йўқ қариялар, беморлар, эркаги йўқ оилалар учун ҳам ҳеч қандай таъмасиз ҳашарлар ўтказилган.

5. Моддий тангликда қолган, отаси ёки ҳеч кими йўқ бўйдоқ йигитлар ёки етим қизлар маҳалла оқсоқоли ёки кексаларнинг маслаҳати билан унаштириб қўйилган ва ҳашар йўли билан чиройли, ихчам тўйлар қилинган, баҳоли қудрат саруполар тайёрланган. Тўйга ҳамма кучи етганча ўз ҳиссасини қўшган.

6. Яшаш жойининг тайини йўқ ёшлар учун маҳалла ёки қишлоқ ҳашар йўли билан уйлар қуриб беришган, ҳомий излашмаган.

7. Хотин-қизлар ҳам тўй қилаётганларга ёрдам сифатида ўзаро ҳашарлар уюштиришган: кўрпа қавишган, кашта тикишган, кийимлар тикишган. Ҳашар йўли билан хотин-қизлар биргаликда гиламлар тўқишган, катта палаклар тикишган.

8. Қишлоқларда ҳашар йўли билан навбатма-навбат мол боқишган.

9. Маҳалла ёки қишлоқда бутун жамоа биргаликда сумалак ёки ҳалим пиширишган, бирга баҳам кўришган.

Ҳашарлар жуда катта куч бўлган. У халқнинг қудратини, ҳимматини, руҳиятини намоён этувчи анъаналардир.

Ҳашар ёшларда яхши, савобли анъаналаримизни амалга оширишга иштиёқ уйғотади, уни ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтаради. Миллий қадриятларимизга нисбатан ҳурмат ва муҳаббатни тарбиялайди.

**References:**

1. Bakhtiyarova, Y. M., Shukhratova, S. I., Izatullaeva, I. I., Muydinjanova, Y. D., Yureva, F. L., & Mamadjanova, K. M. (2022). INDEPENDENT EXTRACURRICULAR WORK OF STUDENTS OF TECHNICAL HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS IN THE CONDITIONS OF A CREDIT MODULAR SYSTEM. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 3302-3305.
2. Mamura Bakhtiyarova Yuldosheva (2022). THE STYLISTIC SIGNIFICANCE OF TRANSLATING PORTRAITS UZBEK NOVELS INTO ENGLISH. *Academic research in educational sciences*, 3 (2), 224-228. doi: 10.24412/2181-1385-2022-2-224-228
3. Yuldasheva, M. B. (2020). HISTORY OF THE ENGLISH UZBEK TRANSLATION. *Theoretical & Applied Science*, (3), 11-14.
4. Yuldasheva Ma’Mura Bahtiyarova (2020). The organization of the mental lexicon. *Наука, образование и культура*, (1 (45)), 44-45.
5. Bakhtiyarova, Y. M. (2022). RELATION OF COMPARATIVE STYLISTICS WITH TRANSLATION THEORY.
6. Saydivaliyeva, B. S. (2021). ORGANIZATIONAL AND PEDAGOGICAL CONDITIONS FOR THE FORMATION OF PROFESSIONAL SIGNIFICANT QUALITIES. *Экономика и социум*, (3-1), 273-277.  
<https://www.elibrary.ru/item.asp?id=45770178>
7. Saydivaliyeva, B. S. (2021). ORGANIZATIONAL AND PEDAGOGICAL CONDITIONS FOR THE FORMATION OF PROFESSIONAL SIGNIFICANT QUALITIES. *Экономика и социум*, (3-1), 273-277.
8. Mustaeva, G. S., Saidivalieva, B. S., & Ataeva, G. B. (2022, June). Features of professional vocabulary and its difference from terms. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 060017). AIP Publishing LLC.
9. Mustaeva, G. S., Saidivalieva, B. S., & Ataeva, G. B. (2022, June). Features of professional vocabulary and its difference from terms. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 060017). AIP Publishing LLC.
10. Abdurashidova, A. N. (2022). YANGI O ‘ZBEKISTONDA SHET TILLARNI OMMALASHTIRISH VA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH. *World scientific research journal*, 9(1), 63-70.
11. Абдурашидова, Нилуфар Абдурашидовна, & Ҳасанов, М. (2022). ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИДА ДИН ВА АХЛОҚНИНГ ЎЗАРО МУТАНОСИБЛИГИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10), 1226-1235.
12. АБДУРАШИДОВА, Н.А. (2022). ПОЧЕМУ СМЕШАННОЕ ОБУЧЕНИЕ: ЗНАЧЕНИЕ ВЛ ДЛЯ УЧИТЕЛЕЙ. ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ И ПРИКЛАДНАЯ НАУКА Учредители: Теоретическая и прикладная наука , (2), 136-139.
13. Абдурашидова Н.А. (2021, декабрь). ИНТЕРАКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ ЯЗЫКУ В МАЛЫХ ГРУППАХ. В Междисциплинарной конференции молодых ученых в области социальных наук (стр. 20-22).
14. М.Н.Ҳасанов, А.А.Азимбаев, Ҳалилов Ў., & Каримов Б. (2022). АБУ НАСР ФОРУБИЙНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ . *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 147–153. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/new/article/view/629>
15. Ramatov, J.S., Umarova, Rozigul , & Khasanov, M.N. (2022). METHOD OF DETERMINATION OF TRANSPORT INTENSITY IN URBAN CONDITIONS. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 931-936.

16. Раматов, Ж.С., Баратов, Р.Ў., Султанов, С.Х., Муратова, Д.А., Хасанов, М.Н., & Эрнийёзов, У.К. (2022). ЁШЛАР ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЙ ҚИЁФАСИ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10), 376-386.

17. Hasanov M., Tuhtaboev E. THE PERFORMANCE OF THE PERFECT MAN IN THE EASTERN RENESSANCE (ON THE EXAMPLE OF FARABI'S VIEWS) // *Innovative Technological: Methodical Research Journal*. – 2021. – Т. 2. – №. 05. – С. 1-6.

18. М.Н.Хасанов, Д.А.Ҳафизов, Р.Х.Тоиров, & Х.Қ.Болтабоев. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙ ЯШАГАН ДАВРДАГИ ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ. *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 137–140. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/new/article/view/627>

19. Boltaevna, S. F. A., & Upashevna, A. L. (2022). Signs of Innovation Economy and its Assessment Indicators. *Specialusis Ugdymas*, 2(43), 3178-3190.

20. Akbarova, L. U. (2022). APPLICATION OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN PRACTICAL CLASSES IN THE DISCIPLINE" ECONOMIC THEORY". *Journal of new century innovations*, 16(1), 133-3/. Akbarova, L. U. (2022). APPLICATION OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN PRACTICAL CLASSES IN THE DISCIPLINE" ECONOMIC THEORY". *Journal of new century innovations*, 16(1), 133-135.

21. Akbarova, L. U. (2022). THE SIGNIFICANCE OF ECONOMIC THEORY IN KNOWING AND SOLVING PROBLEMS OF ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *Journal of new century innovations*, 16(1), 128-129.

22. Akbarova, L. U. (2022). SOME PROBLEMS OF LIFELONG EDUCATION IN UZBEKISTAN IN THE CONDITIONS OF A MARKET ECONOMY. *Journal of new century innovations*, 16(1), 130-132

23. Saidahrolovich, K. S., Upashevna, A. L., & Abduxamitovna, F. M. (2022). Factors Affecting Supply and Demand in The Automobile Industry of The Republic of Uzbekistan. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 5, 1-6.

24. Upashovna, A. L. (2022). The Impact of Information Warfare on the Socio-Economic Development of Society and the Issue of Information Security. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(1), 245-248.

25. Saidahrolovich, K. S., Upashevna, A. L., & Abduxamitovna, F. M. (2022). Factors Affecting Supply and Demand in The Automobile Industry of The Republic of Uzbekistan. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 5, 1-6.